

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMİY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



ALEKSANDR POPOV
(1859-1906)

2022
IYUL
№42



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
2-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-2**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-2**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 42-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Ғовсидинов Маъруф Насридинович Е.Э.БЕРТЕЛЬСНИНГ ЎРТА АСР ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЖОМИЙ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСНИНГ РОЛИ ХУСУСИДА.....	7
2. Ғовсидинов Маъруф Насридинович Е.Э.БЕРТЕЛЬС ИЖОДИДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАГИ АСОСИЙ ФАЛСАФИЙ МУОММОЛАР.....	9



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

Е.Э.БЕРТЕЛЬСНИНГ ЎРТА АСР ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЖОМИЙ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ РОЛИ ХУСУСИДА.

Говсидинов Маъруф Насридинович
Самарқанд давлат Чет тиллар институти
Гуманитар фанлар ва ахборот
технологиялари кафедраси ўқитувчиси
+998 982731881

Аннотация. Мақолада Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс татқиқотлари асосида буюк мутафаккир олим Абдурахмон Жомий асарларининг ўрта асрлар фалсафа илми ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга мутафаккирнинг ўша давр тасаввуф илми ривожига бағишланган гоявий қарашларининг роли алоҳида эътироф этилган.

Калит сўзлар. ал-Фаробий, Беруний, “Фасл ал-хитоб”, экстатик-визуал, диний-фалсафий, Е.Э.Бертельс, “идеал шаҳар”, фалсафий, ахлоқий,

XIV асрда Марказий Осиёда илм-фан ва адабий ҳаёт яна тиклана бошлади. Шу билан бирга наср жанри ҳам ривожланиб борди. Энг аввало бу давр фалсафий ғояларининг шаклланишида албатта диний ва фалсафий адабиётларнинг ўрни салмоқлидир. Бугунги кунда ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино рисолалари каби соф фалсафий асарлар пайдо бўлмади. Фалсафа доимо дин ва илоҳиёт билан чамбарчас боғлиқдир, аммо шуни таъкидлаш керакки, бу даврдаги барча асарлар ҳам ислом дини таъсирида ёзилмаган. Масалан, машҳур Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл ал-хитоб” рисоласи фалсафадаги улкан билимлар тўғрисида гувоҳлик беради, бундан ташқари, унда асосий диний адабиётлардан, асосан тафсирилар ва ҳадислар тўпламларидан олинган иқтибослар келтирилган.

Агар фалсафий асарларнинг бир қисми ушбу тенденцияларни ривожлангирса, унда улар ёнида Ибн ал-Арабийнинг экстатик-визуал мактаби ва вориси Сададдин Кунавийнинг фаолиятига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Ушбу таълимотларнинг акс-садоси XV асрнинг энг буюк шоири Абдурахмон Жомийнинг асарларида ҳам ёрқин акс этган. Кейинчалик Абдурахмон Жомий нафақат адабиёт соҳаси ривожига, балки форс-тожик халқининг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳам улкан рол ўйнади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “Биз, аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидоийлик ва жасорат наамунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз ватанимизнинг ҳар томонлама раванқ топишига бағишланган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз”. [1,5.б.]¹

Жомий тасаввуф таълимотининг нақшбандийлик йўли тарафдори ҳисобланган. Нақшбандийлик диний-фалсафий таълимот ва тасаввуфнинг ўзига хос йўналиши сифатида XIV асрларда Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, халқларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрлари ривожига жуда катта таъсир кўрсатди.² [2,459.б]

Е.Э.Бертельс асарларидаги қиёсий тадқиқотлари асосида биз бир вақтнинг ўзида бир қанча олимларнинг қарашлари ва фикрларини билишимиз мумкин. (Жумладан, Навоий

1 Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2016.В.5.

2 Камалиддинов, Б. Таджикский язык: учебник для 9 классов / Б.Камалиддинов. - Душанбе, 2007 В.459.



Низомий, Дехлавий, «Лайли ва Мажнун»и). XX аср бошларида Ғарб ва рус шарқшунослиги ўртасидаги рақобат муҳитида олим томонидан илгари сурилган фикрлардаги ўзига хос устунлик жиҳатлари билан бир қаторда олим таҳлил қилган асарлар билан танишиш имконияти пайдо бўлади. Таниқли олим И.Ҳаққуловнинг фикрига кўра шарқшунос олим Е.Э.Бертельс «зоҳиран оддий ва содда кўринган фактлар, маълумотларни ҳам юксак бадиий услуб кўмаги билан умумлаштирган ҳолда, илм билан санъатнинг кучини бирлаштирган.¹[3,]

Мисол учун Ал-Фаробийнинг "идеал шаҳар" ҳақидаги ахлоқий ва сиёсий доктринаси тожик халқининг ўрта асрлар ижтимоий тафаккур тарихида жуда машҳур бўлиб, Насириддин Тусийнинг "Ахлоқи Носирий", Жалолиддин Давонийнинг "Ахлоқи Жалолий"Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида мумтоз тожик адабиёти яққол акс этган². [4,444.б]

Албатта, Жомийнинг фалсафий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий ғояларининг Шарқ перипатетиклари анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тушуниш ёки талқин қилиш ҳақиқатдан йироқдир. Шунга қарамай, унинг асарлари, айниқса “Искандарнинг донолик китоби” ни синчиклаб ўрганиш унинг у ёки бу тарзда ишонганлигини англатади. М. Асимов Фаробий ва Жомийнинг утопик қарашлари ҳақида шундай деб ёзган эди: "Ҳатто Форобий ҳам фазилатли шаҳарни орзу қилар эди, унинг фикрига кўра “бахт” мўлжалланган йўлларга олиб бориши керак бўлган эзгулик ва адолат тамойилларига асосланган, бутун ахлоқий ва эстетик тизимни қуриши керак. Жомий, "Искандарнинг донолик китоби" да шунингдек, ҳукмдорлар, хўжайинлар ва куллар бўлмаган идеал жамиятга доир ғояларини илгари суради. Бу ерда меҳнат бепул, ҳосил тенг тақсимланади, барча аҳоли тўқ яшайди. Ҳеч қандай адолатсизлик йўқ ва шунинг учун ҳам ҳукмдорларга, яқка ҳокимиятга эҳтиёж пайдо бўлмайди³. [5,288.б]

Э.Е.Бертельснинг фикрича, Жомийнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий ғоялари билан Ибн Синонинг қарашлари ўртасидаги ўхшашликни унинг “Баҳористон”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Искандарнинг донолик китоби” асарларида кўришимиз мумкин. Ибн Сино, айни пайтда Ҳидоя сингари диний китобларни ҳам эслатиб ўтади бироқ, бундан Жомий умуман илмга қарши чиқади, деган хулоса қилиш тўғри эмас, унинг инсонга энг яқин дўсти бўлган китоб ҳақидаги ажойиб фикрларини эшлаш кифоя. Мутафаккирнинг фикрича, бошқаларга нафи тегмаган билим бефойдадир⁴. [6,264.б]

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлар фалсафий-ахлоқий ва тасаввуф-шеърый ғоялари Жомий дунёқараши шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Мутафаккир турли даврлар маданиятининг улкан маънавий меросидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ўз даври учун энг кадрли ва зарур бўлган барча нарсани танлаб, ўтмиш ғояларини ўз даврининг долзарб муаммолари билан боғлай олди. Айнан турли хил билимларнинг синтетик бирлашуви мутафаккирнинг ўзида кўп асрлар давомида сақланиб қолган ғояларни шакллантиришга имкон берди. Бу билан Жомий антропологик муаммоларга янгича ёндашув ва ахлоқий масалаларни фалсафий ва метафизик талқин қилиш истиқболларини очиб бера олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2016.В.5.
2. Камолиддинов, Б. Таджикский язык: учебник для 9 классов / Б.Камолиддинов. - Душанбе, 2007 В.459.
3. Ҳаққул И.Ч. Олимлик маъно излаш демак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008 йил,
4. История таджикской философии. Том. 2. – С.444.
5. Асимов М. Реальность против мифов//Дружба народов. – 975. – С.288.
6. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Главная редакция Восточной литературы. Составитель и редактор. Э.Р. Рустамов. Избранные труды. Том 4. М.: Наука, 1965.260 стр

1 Ҳаққул И.Ч. Олимлик маъно излаш демак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008 йил, 30 май.

2 История таджикской философии. Том. 2. – С.444.

3 Асимов М. Реальность против мифов//Дружба народов. – 975. – С.288.

4 Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Главная редакция Восточной литературы. Составитель и редактор. Э.Р. Рустамов. Избранные труды. Том 4. М.: Наука, 1965.260 стр



**Е.Э.БЕРТЕЛЬС ИЖОДИДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ МАЪНАВИЙ
МЕРОСИДАГИ АСОСИЙ ФАЛСАФИЙ МУОММОЛАР.**

Говсидинов Маъруф Насридинович
Самарқанд давлат Чет тиллар институти
Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари
кафедраси ўқитувчиси
+998 982731881

Аннотация. Мақолада шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг илмий тадқиқотларида мутафаккир Абдураҳмон Жомий илмий-маънавий меросини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилишида юзага чиққан асосий фалсафий муаммоларга тўхталиб ўтилган. Е.Э.Бертельс Жомийни қўлэзма асарлари асосида унинг сўфий-пантеистик қарашларини таҳлил қилади. Мақолада Жомий ўзининг асарларида тасаввуфнинг амалий ҳамда назарий томонларини нафақат очиб беради балки, уни ривожлантиришига қўшган улкан ҳиссаси очиб берилган.

Калит сўзлар. Е.Э.Бертельс, Жомий, “Ваҳдат ул-вужуд”, Худо ва борлиқ, суфий, ваҳий, Ибн ал-Арабий, Тасаввуф.

Е.Э.Бертельс Жомийнинг қўлэзма асарларини ўрганган ҳолда унинг сўфий-пантеистик қарашларини таҳлил қилади. У “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва назарий асосларини атрофлича таснифлашга ҳаракат қилади. Олимнинг қайд этишича, Жомий фалсафий қарашларининг асосини айнан “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ташкил этади. Унинг илмий мероси тасаввуфнинг амалий ҳамда назарий томонларини нафақат очиб беради балки, уни ривожлантиришга ҳам улкан ҳисса қўшади. Бу эса, ҳозирги кунда кўплаб Ғарб олимларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Е.Э.Бертельснинг хулосаларига кўра, Жомий фалсафий асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у ўз фикрини ифодалашда Қуръон оятлари ёки Пайғамбар ҳадисларидан кенг фойдаланади. Мантқан олиб қаралганда, шарҳ муаллифи уларни ёритишга лойиқ деб тан олган бўлса, сўфийликда ҳукмронлик қилган итоаткорлик қоидаси унга салафийликни шунчалик кескин танқид қилишга йўл қўймас эди.¹ Бундай фикрлар шоирнинг айрим тўртликлари унга тегишли эмас, деган фаразни юзага чиқаради. Ёзувчи А.Н.Бодлян қўлэзмаларида ҳеч қандай истисносиз Жомийнинг асарлари ўзига тегишлидир деб кўрсатади. Ч.Риё эса, ўзининг айрим қайдларида ҳеч қандай сабабга асосланмасдан бу фикрларни рад этади. Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра, Жомийнинг учта девони номаълум бўлиб, бунинг ажабланарли жойи йўқлиги сабаби, улар шарҳ билан бир бутунни ташкил қилшини таъкидлайди. Балки, шу боисдан улар насрий асарлар сарлавҳаси остига тушиб, девонга киритилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Е.Э.Бертельс ҳам уларни ёзилиш тили нуқтаи назаридан Жомийники эканлигини асослайдиган бирон-бир сабабни кўрсатмайди. Улар чиройли тилда сунъий қисқартиришлариз ёзилган бўлиб, арабча сўзларга бойдир. У сўзнинг энг буюк устаси, тасаввуф фалсафасини билувчиси томонидан ёзилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Албатта, бу хусусиятларга Жомий тўлиқ даъво қилиши мумкин.²

Жомий, Худо ва борлиқ моҳияти ўртасидаги бирликни кўради. Жомий борликни мавжудлик яъни субстанция сифатида тасвирлайди. Гуё у моҳиятан мавжуд эмас унда, борлиқ фақат субстанциядир, деган фикр устунлик қилади. Е.Э.Бертельснинг такидлашича, Жомий мутлақ борликни уч хил шаклини ажратиб кўрсатди³. У Жомийнинг тасаввуфга оид қарашларини таҳлил қилар экан у биринчи шаклда мавжудликнинг бошқа омиллардан фарқ қилишини яъни, уларнинг барчаси потенциал характерга эга эканлиги, мавжуд бўлган,

1 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том. 3. Издательство “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев.Б.446

2 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том. 3. Издательство “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев.Б.447-bet

3 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том. 3. Издательство “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев.1965 448-bet.



аммо мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Иккинчи шаклда эса, субстанция мавжудликдан фарқ қилади ва ажралмайди, гарчи унинг ажралишини тасаввур қилиш мумкин эди. Схоластиклар таълимотига кўра, Худога шундай таъриф берилади. Жомий учинчи шаклда, борлиқни моҳият билан ажралмас, деб таърифлайди. Бу эса энг юқори босқич бўлиб, Худонинг мавжудлик шаклидир. Жомий нуктаи назарича, барча яратилган нарсалар Аллоҳга тегишлидир. Борлиқдан бошқа нарсалар кўзлар олдида кўриниши учун мавжудлик керак. Зарур нарсаларга эҳтиёжни пайдо бўлиши, унинг тавсифини юзага чиқаради ва исботлашга замин яратади. Ўз-ўзидан мавжуд бўлмаган ҳар қандай ҳодиса унинг мавжудлиги учун мавжудотнинг бошқа турига эҳтиёж бор, бу мавжудликдир. Жомийнинг фикрича, мавжудликка муҳтож бўлган ҳар бир нарса “муқаррар равишда мавжуд” бўлиши мумкин эмас¹.

Худонинг мавжудлигини моҳияти билан тасдиқлайдиган икки мактаб ўртасида мавжуд фарқлар шундаки, улар борлиқни намоён бўлиши тўғрисидаги қарашлари билан фарқланади. Биринчи мактаб бу — файласуфлар мактаби бўлиб, уларнинг таъкидлашича, Худо намоён бўла олмайди, чунки ташқи оламдаги универсаллик ўзини намоён эта олмайди. Худо ўзини моҳияти доирасидан чиқариши керак, яъни унинг вужуди моҳияти билан қопланиши керак, чунки унинг вужуди унинг моҳияти билан қопланади. Иккинчи мактаб вакиллари сўфийлар эса, мавжудлик бирлигини эътироф этидилар. Улар ақл идроклари ортида ваҳий деб атайдиган идрокнинг яна бир шакли бор деб ҳисоблайдилар. Мантиқий жиҳатларни англаш ташқи ҳислар учун имконсиз бўлгани каби, ваҳий орқали тушунилган нарсага ақлнинг мавжуд чегарасини кўришимиз мумкин. Борлиқнинг моҳияти ҳар қандай ҳукмга бўйсунмайди, унга ҳеч қандай атрибутни татбиқ этиш мумкин эмас, чунки барча сифатлар фақат "шаклланиш" ёки эманациядан сўнг пайдо бўлади, Илоҳий моҳият эса унинг бошқа томонида жойлашганлигидадир².

Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, Аллоҳ табиат, жамият ва инсоннинг эманациясидир. Инсон мукамалликка интилиши керак, чунки бунинг учун унга асос берилган. Ақлли одам Худо мужассам этган энг юқори ҳақиқатга эришиш учун қийин ва оғриқли йўлни танлайди ва унга бир неча босқичлар орқали етиб боргач, ўзи илоҳий моҳиятига кўра ҳақиқатга айланади. Бу босқичда у фақат илоҳий ваҳий ва шариат қонунларида буюрилган нарсани қилади. Бундай юксак даражадаги камолга эришган инсон нафақат ҳақиқатга айланади, балки ўзи илоҳий ҳақиқат тантанасининг фаол курашчисига айланади. Шунинг учун бир қатор сўфийлар ўзларини "аналҳақ" - قح ل ا ن ا - яъни, Аллоҳнинг моҳиятининг ўзида мужассам этган ҳақиқатда кўришади.

Шундай қилиб, Илоҳий моҳиятга икки томондан ёндашиш мумкин: Биринчиси, мутлақлик, ҳаракат, фаоллик, борлик, ва йўқлик- бу зарурий хусусиятларига эга бўлган мавжуд илоҳийлик даражасидир. Бошқа томондан эса, нисбийлик, фаосизлик, пасайиш, фазилатлари орқали мавжудликни қабул қилиш - бу дунёнинг моҳиятини ноаниқ тушунишдир. Жомийнинг фикрича, бу иккала томон мавжуд хусусиятларга эга бўлганида учинчисида албатта бирлашиши муқаррардир. Бу учинчи моҳият эса бирлик ёки мукамал инсон мақомига етишишдир. Онг бевосита, моҳият, билиш, борлиққа нисбатан энг аниқ тушунчалардир. Уларнинг ҳақиқий хусусиятлари жуда яширин пайдо бўлади. Уларнинг намоён бўлиши аниқ тушунчаларга эгадир. Худонинг моҳияти дунёдаги энг яқин шу билан бирга энг тушунарсиз ҳодисадир, чунки абадий бўлган нарса ва ходисалар фақатгина абадий бўлган нарса ва ходисаларни англаши мумкин. Бироқ, Худонинг борлиги, мавжудот сифатида қабул қилинмаган, фақат ҳаддан ташқари далиллардан энг аниғи самимийдир. Агар Худонинг борлиги бир лаҳзага ҳам тўхтаб қолса, бутун мавжудот йўқ бўлиб кетар эди, унинг борлиги шу билан ўз исботини топар эди. Инсон қаерга қарамасин албатта худони кўради³.

Тасаввуф адабиётида гўзалликка сиғиниш, Худога бўлган муҳаббат ер юзидаги муҳаббат шаклида талқин қилинган. Сўфийлик пантеизмининг асосчиси Ибн ал-Арабий - шундай деб

1 Ўша асар . Б.450

2 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том 3. Издательство «Наука». Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев. М.1965. Б 450

3 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том. 3. Издательство “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев.451-bet.



ёзган эди: “Сиз Худони ҳар қандай моддий талқинда кўришга уринманг. Худонинг аёлдаги кўриниши энг мукамалдир¹. Тасаввуфдаги илоҳий муҳаббат ва одамлар ўртасидаги севги кўпинча сўфий адабиётида қўлланилади². Деярли ҳар доим муҳаббат лирикасида, “шакл” нуқтаи назаридан дунёвий муҳаббат устунлик қилади, пантеизмда эса мазмунан инсоннинг Худога бўлган севгиси тушунилади. Жомийнинг пантеистик қарашларида муҳаббат барча дунёвий боғланишлар ва ердаги лаззатлар - нафсдан халос бўлган севгилисининг самимий қалбини талаб қилишини кўриш мумкин. Таниқли олим Н.Комиловнинг фикрича: “Е.Э. Бертельс ҳам мафкуравий тазйиқлар таъсирига бардош беролмай, «Лайли ва Мажнун»даги илоҳий муҳаббат ғоясини рад этган”³. Жумладан, Е.Э.Бертельс шундай ёзади: “...сўнгги вақтларда Навоий севгисини шахвоний, оддий, дунёвий муҳаббат талқинида тавсифлашга уринишмоқда. Лекин Навоий бутун умри давомида ёзилган барча байтларда фақатгина ҳаёлий ишқ ҳақида ёзганлигига ишониш қийин.

Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” тушунчаси ва унинг фалсафий асарлари сўфийларнинг мафкуравий изланишлари кенг қамровли тизимли таҳлилларини ўз ичига олади. Мутафаккирнинг фалсафий асарларини “мусулмон эзотеризм энциклопедияси”⁴. Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Фусус” (“Фусуслар ҳақида шарҳлар”) ва “Лавоех”(Лавҳалар) асарлари билан танишиш керак. У, шунингдек, “Ваҳдат ул-вужуд” назариясида Жомий Ибн ал-Арабий билан бир қаторда эканлигини таъкидлайди⁵.

Жомий мутафаккир Ибн ал-Арабий асарларини шарҳловчи мутахассис, бўлиши билан бирга буюк Санои ва Аттор асарларига мухлис ҳам бўлган. Жомий ўз асарларида Шабисторийнинг фалсафий қарашларига катта эътибор берган, уларни шарҳлаган. Е.Э.Бертельс “Ўзига нисбат берилган рубоийларга Абдурахмон Жомийнинг шарҳи” мақоласида аниқ ва тушунарли шаклда Жомий “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ҳақида ўз қарашларини илгари суради. Мутафаккир турли хил ислом динига оид ғояларни бирлаштиришга ҳаракат қилган. Мазкур анъана Ғазолий даврида бошланган бўлиб, Жомий тасавуф ва ишракизм ғояларини муваффақиятли уйғунлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. Том. 3. Издательство “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Отв. ред. А.Н.Болдырев.1965 448-бет.
2. Идрис шах. Суфизм. Клышников, Комаров И Ко.Б.1994.165.
- 3.Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики Ислама. Пер. с англ. М., 2002.В.4.
4. Афсаҳзод А. Таҳаввули афкори Абдурахмони Ҷомӣ. Дониш,1981.-С.31.
5. Нажмиддин Комилов.Тасавуф. ТОШКЕНТ «Movaraunnahr» - «O'zbekiston» 2009.193. бет.

1 Идрис шах. Суфизм. Клышников, Комаров И Ко.Б.1994.165.

2 Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики Ислама. Пер. с англ. М., 2002.В.4.

3 Нажмиддин Комилов.Тасавуф. ТОШКЕНТ «Movaraunnahr» - «O'zbekiston» 2009.193.бет.

4 Тасавуфийнинг амалий томонларини фалсафий асослаш бўлиб, “вахий” ва борлик “сирлари”нинг ҳақиқатларини билишнинг тасавуфий усули . Сўфий мутафаккирларнинг ноисломий диний-фалсафий тизимларга (неоплатончилик, зардуштийлик, гноститсизм, насронийлик, иудаизм ва буддизм) мурожаати ва уларнинг қоидаларини мусулмон маданияти контекстида қайта ишлаш.

5 Афсаҳзод А. Таҳаввули афкори Абдурахмони Ҷомӣ. Дониш,1981.-С.31.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 2-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2022

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000